

Марҳаматли бўлмаган киши марҳамат кўрмагай

16:44 / 27.03.2017 3483

Инсон дунёга келар экан кимнингдир меҳрига, эътиборига муҳтож бўлиб яшайди. Ҳақиқий инсон кимдандир меҳр кўриб тасалли топса, кимгадир меҳр бериб хушнуд бўлади. Бу хусусда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам: “Марҳаматли бўлмаган киши марҳамат кўрмагайдир” дедилар. Меҳр-оқибатли кишилар атрофдагиларнинг ҳурматига сазовор бўлади. Чунки кимнингдир дардига малҳам бўлиш, кимнингдир оғирини енгил қилиш ва яна кимнингдир меҳр-муҳаббатини қозониш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Меҳр-оқибатсиз кишилар эса, охир оқибат кишиларнинг эътиборидан четда қолиб, ўзлари меҳрга зор бўладилар.

Мавлоно Лутфий бу борада мазкур байтларида шундай битган эди:

Кишиким йўқтурур меҳру вафоси, агар хуршеддур андин не ҳосил

Ҳақиқатан ҳам агар кишида меҳр-оқибат ва вафо бўлмаса қуёшдек порласа ҳам ундан фойда йўқдир. Шунинг учун Огаҳий демишлар:

Вайрон кўнгилларни меҳринг бирла обод қил

Яна шуни таъкидлашимиз лозимки, динимиз меҳр-оқибат, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик динидир. Зеро Ислом бутун инсониятни жаҳолат ботқоғидан илм-маърифат ёруғлиги-нурига олиб чиққани каби ўзаро нафрат ва адоватдан ҳақиқий инсонийлик, меҳр-оқибат ва дўстона ҳаётга олиб чиқди.

Инсоний алоқалар ичида Аллоҳ таоло фарз қилган, ўзаро меҳр-муҳаббат риштасини боғловчи, ижтимоий алоқаларни мустаҳкамловчи, боғу роғ ва дастурхонларга файзу барака ёғдирувчи ва диёрларни обод қилувчи амал қариндошлик алоқасидир.

Аллоҳ таоло айтади:

اريدبت رذبت ال و ليبس لل نبا و نيكس لل و هقح يبرق لل اذ ت آو

“Қариндошга ҳаққини бер. Мискин ва йўлда қолганга ҳам. Мутлақо исрофгарчилик қилма” (Исро – 26-оят)

Балки, силаи раҳм Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлик белгиси ҳамдир. Зеро Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

هه لعل قفتم . هه حر لصلل ف رخال مويل و هللاب نمؤي ناك نمو

“Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса силаи раҳм қилсин!” (Муттафақун алайҳ)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинага келиб, илк бор гапирган гаплари, насиҳатлари:

و ليللاب اولص و ماحرالا اولص و ماعطالا اومعطأ و مالسللا اوشفأ سانللا اهيأ
يذمرتلا هاور . مالسب ةنجللا اولخدت ماي ن سانللا

“Эй инсонлар! Саломни ўзаро кенг ёйинглар. Таом тарқатинглар. Силаи раҳм қилинглар. Кечаси одамлар ухлаган пайтда намоз ўқинглар. Ана шунда жаннатга омонлик билан кирурсизлар” деган сўзлари бўлди.

Қариндошлик алоқалари Исломда ибодат даражасига кўтарилган ва асосий рукн ибодатлардан кейинги ўринда турадиган амал ҳисобланади. Ҳадиси шарифда келганидек, бир киши Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: “Эй Аллоҳнинг Расули! Менга жаннатга мени яқинлаштирадиган амал ҳақида хабар беринг”, деди. Шунда У зот:

محررلا لصلت و ةاكلزلا يتؤت و ةالصلل ميقت و ائيش هه كرشتال و هللا دبعت

“Аллоҳга ибодат қиласан. Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайсан. Намозни тўқис адо қиласан. Закотни берасан. Силаи раҳм қиласан” дедилар. (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган)

Ҳадиси шарифда силаи раҳм қилиш иймон, намоз ва закот каби, Исломнинг рукни бўлган нарсалар билан бир даражада қўйилмоқда. Бу амал кишини жаннатга киритадиган амаллар рўйхатига киритилмоқда. Шундан ҳам силаи раҳм қанчалар аҳамиятли эканини тушуниб олсак бўлаверади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

هه حر لصلل ف هه رثأ ي ف هل أسني نا و هه قزر ي ف هل طسبي نا هه رس نم

“Кимни ризқининг кенгайтирилиши ва ажалини ортга сурили масрур қилса, қариндошларига силаи раҳм қилсин”. (Имом Бухорий ривояти) Бу дунёда яшаб турган ҳар бир одам боласи ризқининг кенгайтирилиши ва ажалининг ортга сурилишини орзу қилиб яшайди. Бу икки нарсдан

насибадор бўлиш учун елиб-югуради ва бу йўлда ҳар қандай қийинчиликларга ҳам дош беради. Силаи раҳм қилган одам эса ўзига вожиб бўлган амални бажариб, ўз вазифасини адо этади ва бир йўла ризқи ҳам кенгайтирилади, ажали ҳам ортга сурилади. Аллоҳ таоло силаи раҳм қилган, қариндошларига яхшилик қилган, ёрдам берган, хайру-эҳсон қилган одамнинг ризқини кенгайтириб, бойлигини зиёда қилиб қўяди.

Айрим инсонлар қариндошларим яхши одам эмас. Яхшиликни билишмайди. Мен борганим билан улар меникига келишмайди, шунинг учун мен ҳам уларникига бормайман, деб ўз қилмишларини оқламоқчи ҳам бўлишади. Лекин бундай баҳоналар билан қариндошлар билан алоқани узиш мутлақо шариатга хилоф иш саналади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

اهل صوم حرم تعطى اذا ذل ل صاولا نكلو وئفاكم لاب ل صاولا سئل

“Силаи раҳм қилувчи берганга япаша қайтарган эмас. Балки силаи раҳм қилувчи – ўзининг силаи раҳми кесилганда уни боғловлагандир” дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Тобеъинлардан Маймун ибни Меҳрон раҳматуллоҳи алайҳ айтади:

رحاف و اتناك ةرب ل صوت محرلا : رحافل و ربال لى لى دؤت ثالث

رحافل او ربال لى فوي دهعلاو رحافل و ربال لى لى دؤت ةنامال او

“Уч нарса яхшигаю ёмонга қилинаверади: Силаи раҳм яхшига ҳам, фожирга ҳам қилинаверади. Омонат яхшига ҳам, фожирга ҳам адо этилади. Аҳд яхшига ҳам, фожирга ҳам вафо қилинади”

Демак ушбу уч нарсани кимга бўлса ҳам қилиш лозим. Қариндошлардан бири фалончи фисққа сабаб бўладиган ишни қияпти, шариатнинг кўрсатмасидан чиқди, фожир бўлди, энди мен у билан алоқамни уздим дейишга ҳаққи йўқ. Қариндош яхши одамми, ёмон одамми, тақводорми ёки фожирми фарқи йўқ, бари бир қариндошлик ҳаққи бор, адо этилиш лозим.

Акси ҳолда

Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

ىف هل رخدى ام عم اى ن دلا ىف ه ب حاصل ة بوقع ل ه ل ل ل ج عى ن ا ر د ج ا ب ن ذ ن م ام محرلا ة عى طق و ى غ ب ل ل ن م ة ر خ آ ل ا

Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Катта аканинг кичиклари устидаги ҳаққи, ота-онанинг фарзанди устидаги ҳаққи кабидир” дедилар. (Имом Байҳақий ривояти)

هَلَلِ الْوَسْرَاقِ: لَاقِدَجْ نَعِي هَبَّأَنْعِي نَهْجَلِ بِيْلِكِ نَبْرِ شَكِ نَبْمِ ثُعْ نَعِي هَبَّالِ هَاوَرِ "بِالْاَلْزَنْمَبِ وَخِإِلْ نَمْرَبْ كِأَلِ" : مَلَسَ وَهَيْلَعُ لَلِ كِص

Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Катта ака ота ўрнидадир” дедилар. (Имом Байҳақий ривояти)

Абдуллоҳ Муҳаммадий